16 ОКТ 1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 232 (6. 423) ◉ 1987 йил 13 октябрь, сешанба ◉ Баҳоси 3 тийин

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ Ленинградга келди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 12 октябрь куни Москвадан Ленинградга жўнаб кетди.

Пулково аэропортида М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, область партия комитети бюросининг аъзолари, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар.

(ТАСС).

ЗАФАРЛАРИМИЗ—УЛУҒ ОКТЯБРГА!

КОММУНИСТЛАР! КПСС XXVII СЪЕЗДИНИНГ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ ВА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН БОЛЬШЕВИКЧАСИГА АМАЛГА ОШИРИНГИЗ! XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИ ҚАЙТА ҚУРИШДА ЯНГИ-ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР, РЕАЛ НАТИЖАЛАР БИЛАН ҚУТИБ ОЛАЙЛИК!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).



«Тошкент оқшоми» мухбирлари оталиқдаги Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларидан хабар берадилар.

БИЗ ҲАММАМИЗ— ПАХТАКОРМИЗ

Теримнинг дастлабки қаҳрамонлари

Оқ олтин районидаги «Партия XXIII съезди» номли совхознинг дала шийпонига биз тушлик пайтида етиб бордик. Бу ерда «Миконд» заводининг олти бригадасидан бири жойлашган экан. Тушликдан олдин таомнинг таъми татиб кўрилмоқда. Бу ерда озиқ-овқатлар, сув, ўтин етарлими? —деб берган саволимизга йигитлар бир овоздан «Ҳаммаси жойида!» деб жавоб беришди. Завод комсомол комитетининг секретари М. Мусашайхов совхоз раҳбарлари ҳашарчилар ҳузурига келиб, меҳнат ва яшаш шароитидан хабардор бўлиб туришганлиги ҳақида гапириб берди.

— Биз «Партия XXIII съезди» номли совхозга 350 киши бўлиб келганмиз. Олтита бригада тузилди. Ҳар бирининг ўз дала шийпони бор. Бу ердаги шароит бирмунча яхши. Сабзавот омбори, умивальниклар, гигиена хонаси, овқатланиш столлари муҳайё. Собир Раҳимов район озиқ-овқат савдоси бўлими ноз-неъматларни мунтазам етказиб беряпти. Бригадаларимиз ўртасида алоқа бирмунча қийин. Чунки бир-биримиздан анча олисда жойлашганмиз. Дала шийпонларидан бири бу ердан саккиз километр олисда.

Ўтган ҳафтада ёғган ёмғир дала шийпонларини ҳаммага нарса эътиборга олинмаганлигини кўрсатди. Кўпгина биноларнинг томидан чакка ўтди, эшик ва деразалар яхши ёпилмайди. Ойна қўйилмаган деразалардан шамол киради. «Миконд» заводи партия комитетининг секретари Ш. У. Саидовнинг редакцияга маълум қилишича, етти кишидан иборат ремонт-қурилиш бригадаси совхозга жўнатилган. Улар дала шийпонларидаги биноларни тартибга келтирадилар.

Дастлабки ёмғир ва обҳавонинг пасайишига қарамай «Миконд» заводи теримчилари орасида чинакам қаҳрамонлар кўпайиб бораяпти. Ўша куни биз дала шийпонига етиб борганимизда маъмурий-хўжалик бўлимининг ишчиси. Б. Умаркулов тушликкача 64 килограмм пахта терибди. Бу азамат йигитни мақтаса арзийди. У беш йилдан буён пахта теримига кўнгилли бўлиб бораяпти. Унинг ҳар куни кўрсаткичи 100 килограммдан пасаймайди.

— Фидойи,— дейди бригадир Ю. Мордяшов. — Даладан кеч қайтади. Унинг пахта теришини кўриб ҳавасингиз келади. Бундай пешқадам теримчи борлиги билан фахрланамиз. Чунки барча ундан ибрат оляпти. Ёш мутахассислар, инженер-технологлар О. Бутковская ва Н. Максиналар ҳақида ҳам шундай яхши сўзларни айтиш мумкин. Қизлар белгиланган маррани эгаллашга ҳаракат қилишяпти. Уларнинг ҳар бири кунига хирмонга 60 килограммдан «оқ олтин» тўкяпти.

«Миконд» заводи бригадалари ўртасида мусобақа кун сайин қизиб бормоқда. Дастлабки етти кунлик якунларига кўра Э. Ҳожибоев бошлиқ бригада яхши натижаларга эришди. У совхознинг учинчи бўлими пахтазорида «оқ олтин» теряпти. Бу бўлим пахтакорлари кунига 23,5 центнердан пахта топширишяпти.

Л.ДЕРГУНОВА.

СУРАТЛАРДА: «Миконд» заводи ҳашарчилари «оқ олтин» теримида.

Т. Каримов фотоси.







ЗАМОНДОШИМИЗ 70



Актив жамоатчи

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақада корхонада олдинда бораётганлар сафида коммунист Владимир Николаевич Полянцев ҳам бор. Бу камтар ва камсуқум инсон энг аввало меҳнатсеварлиги билан эл оғзига тушди. Ҳозир СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида унинг номини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Чунки у доимо ўз ишига сидқидилдан ёндошади. Қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида у ўз ишига янада масъулият билан қарамоқда.

У кўп йиллардан бери корхонада ишлаб келади. Уз ишини жуда яхши билади. Айниқса, механика-пресслаш цехининг ишчиларн унн гоятда ҳурмат қиладилар. У актив жамоатчи коммунистдир. Иккинчи механика-пресслаш цехи партия бюросининг аъзоси сифатида у бутун коллектив ишининг сифати ҳақида жонкуярлик кўрсатмоқда. Маълумки, бу цехдаги ишлар гоятда масъулятли, мураккаб. У ҳар бир ишчидан алоҳида кўнг, масъулият ва билимни талаб қиладн. Катта мастер Владимир Николаевич доимо олдинги сафда бўлиб келяпти. Коммунист кўп йиллик фидокорона меҳнати учун Меҳнат Қизил Байроқ орденн билан тақдирланган.

Владимир Николаевичнинг коллектив ҳурматига сазовор бўлаётганига яна бир сабаб шуки, у цехда каттаю-кичикнин бирдек ҳурмат қиладн. Уларнинг қалбига йўл топа олади. Актив жамоатчи сифатида уларнинг қобилият ва билимларидан коллектив ишн учун моҳирона фойдалана оладн.

СУРАТДА: В. Н. Полянцев.

Р. Шамсутдинов фотоси, (ЎзТАГ).

Репортер телетайпи

«ҚУВОНЧ» ҚУВОНТИРМОҚДА

Именинолар ҳар хил бўлади. Аммо, бунисига турли касбдаги ва ёшдаги кишилар мамлакатимизнинг кўпгина бурчакларидан поездларда ва самолётларда ошиқиб келишди. Уларнинг ҳаммаси ўз болаликлари ўтган уй билан учрашиш учун шошилишган эдн. Бу уй тарбиячилари 45 йил мобайнида 3200 нафар йигит ва қизга катта ҳаётга йўлланма берди.

...1942 йилда Сталинград комсомолларн комсомоллар тўплаган маблағ ҳисобига фронтдан анча нарида ҳарбий бинокорларнинг фарзандлари учун болалар уйи очишни илтимос қилиб, ВЛКСМ Марказий Комитетига мурожаат қилдилар. Чек Тошкентга тушди. Ана шунда Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети ёш комсомол ходими Антонина Хлебушкинага болалар уйи ҳўжалигини қабул қилиб олишни топширди. Уйнинг директори ва тарбиячилари фронтга кетган эдилар. Антонина партия топшириғини олиб, етим қолган сталинградликларни кутиб олгани вокзалга жўнади. Душман босиб олган мамлакатимиз территорияларидан бу ерга юлаб болалар эвакуация қилинди. Улар бу ерда, узоқ Тошкентда ўзларининг иккинчи уйларини топдилар.

Антонина Павловна ўша кундан бери ҳозиргача Тошкентдаги 1-болалар уйининг узлуксиз директори. Мазкур уйнинг шуҳрати бутун мамлакатга ёйилган. Эндиликда Хлебушкина — шаҳар Совети депутати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, яқинда таъсис этилган Лев Толстой номидаги Халқаро олтин медалнинг биринчи лауреатидир. А. П. Хлебушкина В. И. Ленин номидаги Совет болалар фонди ташкилий комитети раисининг ўринбосарлигига сайланган.

Антонина Павловна ўзининг жонажон болалар уйи байрамига айнан Москвадан шошилиб етиб келди. У пойтахтга янги жамоат ташкилоти ишлари билан борган эди. Учиб келди-ю, ўзини юлаб собиқ тарбияланувчилари қучоғида кўрди. Уни биринчи бўлиб Володя Хлебушкин багрига олди. Болодя унга она ўрнига оналик қилган аёлнинг фамилиясини йигирма беш ёшида олди. Дарвоқе, болалар уйи директори фамилиясини турли миллатга мансуб ўнлаб йигит ва қизлар қабул қилишган.

Байрамга болалар уйида тарбия топган беш ака-ука Нуъмоновларнинг ҳаммаси келишди. Уларнинг иккитаси рассом, биттаси инженер, бошқаси архитектор бўлиб етишди. Пўлат Қодировичэса ҳозир Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри. Республика Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, ЎзССР Олий Советининг депутати. Айтмоқчи, у ҳозир болалар уйи советининг раиси.

Болалар уйининг собиқ тарбияланувчиси, машҳур «Баҳор» ансамблининг солисткаси, Ўзбекистон ССР халқ артисти Тамара Юнусова гастролдан жавоб сўраб байрамга келди. Юртдошимиз — икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. Жонибеков ҳам ташриф буюрди. Шодлик устига шодлик, қувонч устига қувонч. Ҳаммаёқ гулларга тўлиб кетди!

Меҳмонларни ёзги «Қувонч» («Радость») чорбоғида кутиб олишди. Болалар шаҳар чеккасидаги қарорғоҳларига шундай ном беришган. Йўқ, бу ерда шунчаки сайр қилинмайди. Болалар уйининг ҳозирги тарбияланувчилари байрамга келган барча кишиларга гурур билан ўзларининг полизорларини, катта мевали боғларини, сабзавотзорни кўрсатдилар. Бу ердаги барча дала ишларини болаларнинг ўзлари бажаришади. Ҳосилни эса болалар уйи ошхонасига жўнатадилар.

Меҳмонлар чорбоғни айланишар экан, бу ердаги манзарани кўриб қойил қолишди. Чунки, хайрли анъаналарнинг давом этаётганлигини, ривожланиб чуқурлашаётганини кўриш нақадар қувончли эди. Бу ерда болаларнинг ўз-ўзини бошқариш органи — тарбияланувчилар кенгаши ҳал қилувчи овозга эга. Ўн-йигирма йил илгари бўлганидек, бу ерда оилавий, ҳақиқий уйларда бўладиган муҳит ҳукмронлик қилади. Болалар шаҳардаги ўзбек ва рус мактабларида ўқишади.

Бу ерда болаларни худди туғишганлар каби бутун қалблари билан ҳурмат қилишлари тасодифий эмас. Болалар уйи ташкил топган биринчи кундан бери шундай. Унинг коллективи ниҳоятда аҳил, болаларни жонларидан севишади. Эҳтимол, уларнинг кўпчилиги шу ерда жуда ёшлик чоғларидан тарбия топганлари учун шундайдир.

Болалар уйининг ғамхўр, меҳрибон оталиқ ташкилотлари бор. Қурилиш министрлиги, «Узстроймеханизация», «Стройдеталь» трестлари коллективлари чорбоғни ремонт қилдилар, мебель сотиб олиб бердилар, теннис кортини жиҳозладилар. Янги трактор ажратдилар. Кийим-кечак, ҳар хил асбобускуналар ҳадя этмоқдалар.

Байрам меҳмонлари ажойиб кайфият билан ҳайрлашдилар. Гап болаликдаги дўстлар ва устозлар билан узоқ кутилган учрашувнинг рўёбга чиққанлигида эмас. Энг муҳими — болалар уйи тарбияланувчилари ягона, мустаҳкам оила бўлиб яшаётганлиги ҳар бир меҳмон қалбида муҳрланиб қолганлиги бўлди. Бу оилада тўкин-сочинлик ва қувонч ҳамишаликка ташриф буюрган.

В. АРТЕМЕНКО,
«Правда» мухбири.
Тошкент шаҳри.
(«Правда», 1987 йил 12 октябрь).

Каспаров—Карпов матчида

Шахмат

Шахмат тожи учун Севилья шаҳрида бошланган Каспаров — Карпов матчининг очилиш маросимида Испания ҳукуматининг аъзолари, миллий ҳамда халқаро шахмат федерацияларининг аъзолари иштирок этдилар. Ўша куни матч қатнашчилари ўртасида ташланган қуръа натижасида дастлабки, бинобарин барча тоқ ўйинларда оқ доналарни Анатолий Карпов сурадиган бўлди.

Бундан олдинги матчларда кўпроқ ёпиқ ва ярим очиқ дебютлар қўлланган эди. Ҳозирча бунга путур етгани йўқ. Бундан ўн икки соат олдин ниҳоясига етган биринчи партияда қора доналар билан ўйнаган Каспаров ўтган йили бошланган мунозарани давом эттиришга қарор қилди. Бунга олдиндан тайёргарлик кўргани муқаррар. Ўйиннинг бошланғич қисми, яъни дебютда афзаллик ҳарқалай Карповда бўлди. Каспаров моҳирона ҳимояланиб мувозанатни тенглаштиришга эришгач, бир хил юришлар такрорланаверди. Ниҳоят, ўттизинчи юришга борганда учрашув дуранг деб топилди.

Матч шартлари ўтган йилдагидек: жами 24 партия ўйнашлари керак. Унвонни қайтариб олиш учун Карпов камида 12,5 очко тўпламоғи даркор. Ким олдин 6 партия ютса ҳам ғолиб саналади. Ҳисоб 12:12 бўлса Каспаров Жаҳон чемпиони унвонини сақлаб қолади. Ўйинлар душанба, чоршанба, жума кунлари ўтказилади. Кечиктирилган партиялар эртасига давом эттирилади.

Тошкент журналистлар ташкилотида

Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент ташкилоти правлениеси президиумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда «Ангренская правда» газета редакцияси бошланғич журналистлар ташкилоти секретари Л. Захарованинг редакция журналистларининг газета саҳифаларида фан-техника тараққиёти масалаларини ёритишдаги иштироки тўғрисидаги ҳисоботи тингланди ва муҳокама қилинди.

Бошланғич журналистлар ташкилотларининг «Кино» журналининг катта редактори Р. Бердиев, Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг бош редактори В. В. Багдасаров. «Кино» журналининг редактори А. В. Веденеев, «Фрунзевец» газетасининг мухбир-ташкилотчиси В. В. Лихолет, «Машъал» район газетасининг бўлим мудири С. М. Қурбонқулов, «Меҳнат» нашриётининг редактори А. М. Нурматов, «Тўқимачи» кўп нусхали газетасининг масъул секретари Н. Очилова, Тошкент Давлат медицина институтининг «Медик» кўп нусхали газетаси мухбири Ф. М. Хожиқулова, Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг редактори К. Е. Юсуповаларни СССР Журналистлар союзига қабул қилиш тўғрисидаги қарорлари қараб чиқилди ва тасдиқланди.

Президиум мажлисида шунингдек, Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент ташкилоти фаоллиятига оид бошқа масалалар ҳам қараб чиқилди.

«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 12 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан буён

Хоразм	1,76	59,44
Бухоро	2,77	44,92
ҚҚАССР	1,98	44,28
Сурхондарё	0,80	43,12
Фарғона	1,00	31,58
Қашқадарё	0,96	30,45
Тошкент	1,71	25,21
Андижон	0,46	24,82
Наманган	0,54	23,56
Жиззах	0,89	23,05
Навоий	1,46	22,73
Сирдарё	0,90	22,53
Самарқанд	0,66	21.62
Республика бўйича:	1,18	32,36

СТУДЕНТЛАР ҒАЙРАТИ

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти барча факультетларининг студентлари олтин куз фаслининг ана шу ғанимат кунларида пахта теримини жадаллаштириш, дала миришкорларининг оғирини енгил қилиш мақсадида ҳашарга отланган эдилар. Улар пойтахт областчининг Ғалаба районидаги Киров номидаги ўқув хўжалигида теримни бошладилар.

Олий ўқув юртининг икки мингдан зиёд йигит ва қизи бу хўжаликда етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда жонбозлик кўрсатмоқда. Ҳар бир теримчи учун бу ерда бир кунда камида 70 килограмм пахта териш топшириғи зиммага юкланган.

Қишлоқ хўжалигининг бўлажак мутахассислари ҳашарнинг дастлабки кунларидаёқ жасорат кўрсатишга киришдилар. Кўплаб студентлар илғорликни эгаллашди. Улар кунига 100— 150 килограммдан пахта териш мокда. Институтнинг қишлоқ хўжалиги экономикаси, агрономия, бухгалтерлик, мева-сабзавотчилик факультетларининг студентлари теримда салмоқли кўрсаткичга эришмоқдалар. Бу факультетларнинг йигит ва қизларидан Ж. Азимова 150, Г. Алашева 130, Ш. Очилова 127, Г. Қодирова 115, У. Шодиев 125, Г. Салимова 120, А. Мадраҳимов 115 килограммдан пахта теришга эришмоқдалар. Бу азаматлар ҳар куни давлат хирмонига юз тоннадан ошириб дурдона тўкишмоқда.

Светлананинг муваффақияти

Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун қизғин меҳнат қилмоқда.

Илғор ишчилардан 468 нафари бу санани муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга киришган. Шулардан 67 нафари беш йилликнинг икки йили планини аллақачон уддалашди. Иккинчи тўқув фабрикаси ишчиси Светлана Никитина эса беш йилликнинг уч йили планини адо этганн тўғрисида ғалаба рапортига имзо чекди. 36 та тўқув дастгоҳини бошқарган бу ёш тўқувчи шу кунгача 9 миллион метрдан зиёд хом сурп тўқиб, план топшириғини 219,3 процентга етказиб бажарди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 99,3 процентн биринчи сортга қабул қилинди.

Корхонага СССР Енгил саноат министрлиги номидан юборилган табрик телеграммасн айнан Светлана Никитинага аталган эдн. Ушбу телеграмма ёш тўқувчига тантаналн равишда топширилди.

Тўқувчи ҳозирги кунда 1989 йил август ойи ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

Б. ОРИПОВ.

Салмоқли натижа

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига авж олган мусобақа Тошкент атир-упалар фабрикаси 1-қуюв цехи коллективи эришаётган ютуқларнинг асосий омили бўлмоқда.

Ишчилар тайёр маҳсулотнинг нес-нобуд қилмай, техникадан самарали фойдаланиб янги усулларни ишга солишаяпти.

Меҳнат коллективлари ўртасидаги беллашувда шампунь қуюв линиясининг Зайтуна Бисерова етакчилик қилаётган коллективи салмоқли натижаларга эришмоқда. 14 кишидан иборат бу интернационал ола соч ювиш воситаларидан «Лесная», «Душистая», «Лада» ва бошқа шампунларни тайёрлаб чиқармоқда.

— Биз, дейди бригада бошлиғи З. Бисерова, —ҳар куни 30 минг ўрнига 32 минг дона шампунь тайёрлаб, савдо базаларига етказиб бермоқдамиз.

Бригаданинг етакчи ишчиларидан А. Толипова, З. Худойбергановалар кунлик топшириқларини бажариш билан бирга жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқда.

Д. ОБЛАЕВ.

17 октябрь— коммунистик шанбалик куни

Тайёргарлик қизғин

«Главташкентстрой» ишлаб чиқариш бошқармаси 1-автотранспорт корхонаси коллективи москваликларнинг Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига 17 октябрда коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Корхона штабида шанбалик кун бажариладиган иш ва тадбирлар режалари ишлаб чиқилди. Унда 538 ишчи ва инженер-техник ходим иштирок этади. Шундан 417 киши иш жойида меҳнат қилади.

Шу кунн 10,8 минг тонна юк ташилади. Корхонадагн машиналар тежалган ёқилғи ҳисобига ишлайди. 2,2 минг сўм соф фойда олинади. Шу кунн умумий даромад 54 минг сўмни ташкил этади. Шанбаликда 251 метр арнқ, 40 минг квадрат метр ҳовли тозаланади. 35 тонна темирбетон йиғилади. Ун иккинчи беш йиллик фондига 1,2 минг сўм ўтказилади.

ҚАЙТА ҚУРИШ — ЖИДДИЙ СИНОВ

Розия Ҳошимова биринчи марта партия группасын ташкилотчиси бўлиб ишлаётганн йўқ. 5-цехнинг реле ёнғув участкасида у механтеварлигн, юксак маҳоратн, коллективнн бир-бирига жипслаштира олишн билан ҳурмат қозонган. Тошкент электр техника заводида у ўзига ва бошқаларга талабчанлигн билан ҳам ном қозонган.

Группа ташкилотчиси ютуқлар ҳақида эмас, кўпроқ келгусида қилинадиган ишлар, йўл қўйилаётган баъзи нуқсонлар ҳақида сўзлади. У Н. Медведева бошчилик қилаётган бригаданинг группа ташкилотчисидир. Коммунист Н. Медведева ҳам ўзига ва бошқаларга талабчан. Кишиларнинг талаб-эҳтиёжларига диққат билан қулоқ солади. У Р. Ҳошимованинг мураббийси ҳамдир.

Партия группасида барча коммунистлар ишлаб чиқариш ва жамоат топшириқларинн сидқидилдан бажаришади. Коллектив ўртасида бошқаларга намуна бўлишади. Бу ерда ўзига хос анъаналар бор. Ўн биринчи беш йиллик топшириғини бу ерда коммунистлар етакчилигида уч ярим йилда адо этишган эди. Унга эришган муваффақиятлари учун бригадир «Шавкатлн меҳнати учун» медалн билан тақдирланган эди. Илғорлар қаторида слесарь-регулировкачилар Т. Ешченко, Л. Кузнецова ва бошқаларнн айтиб ўтиш мумкин. Улар шахсий тамға билан ишлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳисобот докладида группа ташкилотчиси Р. Ҳошимова ҳар бир коммунистнинг фаолиятига тўхталди. Бирғина ўзи ҳақида сўз очмади, холос. Аммо залда ўтирганлар шуни яхшн билишдики, унинг ўзи меҳнатда ва жамоат ишларида бошқаларга ҳамиша намуна бўлмоқда. У ўтган беш йиллик топшириғнни уч ярим йилда аъло сифатлн қилиб адо этганлар сафидадир. Партиявий топшириқларни группа аъзоларн қандай адо этишаётганн ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Кўпгина коммунистларнинг ҳисобот даврида жамоат топшириқларнин қандай бажаришаётганн ҳақидаги ҳисоботларн тингланди. Улар орасида бригадир Н. Медведева ҳам бор.

Группа ташкилотчисига ҳар бир коммунистнинг қилаётган иши беш қўлдек аён. Партия XXVII съездн қарорларнинг амалга оширишда ҳар бир кишининг жонкуярлик кўрсатиши энг зарур талабдир. Шунинг учун ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик пайтидаёқ юқоридаги омилларга катта эътибор қаратилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши эса кутилганича бўлди. Унда келгусида қилинадиган ишлар, ҳозир ишга халақит бераётган нуқсонлар кенг таҳлил этилди. Тўғри, цех ва бригада кўп йиллардан буён илғорлар қаторидадир. Аммо ишлар таҳлилида гоҳида ш маромнн бузишларга йўл қўйилаётганн, баъзан бошланган ишлар охирига етказилмаётганн, ташкилий ва сиёсий ишларнн кучайтирш каби масалалар ойдинлаштирилди.

5-цех йил бошидан бутун заводдаги сингари маҳсулотнинг давлат қабули шароитларида иш олиб бораяпти. Давлат қабулига бўшроқ тайёргарлик кўрилганлиги иш маромига таъсир этмай қолмади, албатта. Масалан, барча кўрсаткичларда орқага кетиш сезилди. Натижада иш ҳақи ҳам камайди. Биринчи ярим йиллиқдаёқ бу камчиликларни тугатишга жиддий киришилди. Қайта қуриш жараённ бу ерда осон кечмаётир. Цех коллективи ёшлар ҳисобига янгиланди. Барча кўрсаткичларни яхшилаш истаги билан тўлиб-тошган кишиларгина коллектив сафида қолди. Коммунистлар етакчилигида қаттиқ кураш бошланди. Шартнома мажбуриятларнин бажариш масаласи биринчи ўринга қўйилди.

Тўғри, группада етти коммунист бор. Аммо уларнинг зиммасига катта масъулият тушмоқда. Қолаверса, улар бутун коллектив фаолиятига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқдалар.

Коммунистлар қайта қурнш жараёнида муносиб роль ўйнашяпти. Катта қийинчиликларга қарамасдан бригада планларнни муntазам бажара бошлади. Цех партия ташкилотининг секретарн Л. В. Кузнецова август ойидаёқ группага беш йиллнкнинг иккн йиллик планн ннҳоясига етганн тўғрисида қувонч билан ахборот берди. Зиммага қабул қилинган социалистик мажбурият ҳам муваффақиятли адо этилмоқда. Улуғ Октябрь 70 йиллиги шарафига мусобақа кун сайнн авж олмоқда.

Ҳар бир коммунистнинг иши жиддий таҳлил этилгани уларнинг қайта қурнш жараёнида ўз ўрнини белгилаб олишига ёрдам беради, албатта. Бунда цех партия бюросининг бевосита ёрдами ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Масалан, кейинги вақтларда цех партия бюроси ана шу группада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар савиясини кучайтиришга талабчанликни ошнрмоқда. Партия группасида қандай масала туғилмасин, унинг сабабларн чуқур ўрганилиб, ҳар бир коммунист, ишчи-хизматчн билан индивидуал суҳбат ўтказиляпти. Бу эса ишдаги нуқсонларга тезроқ барҳам беришда қўл келяпти. Масалан, шартнома бўйича буюмлар етказиб бериш планларининг бажарилишига ана шу тарнқа эришилмоқда.

Қайта қурнш партия группасидан ҳаётга янада яқинроқ турншни талаб этмоқда. Айниқса, нуқсонларга муросасиз муносабатда бўлиш партия группасининг характерли хусусиятига айланиб бормоқда.

Йиғилишда сўзга чиққан Т. Ешченко, Л. Кузнецова, М. Медведева ва бошқалар ўз ишларига холисона ёндашдилар. Янада кўпроқ ташаббускорлик кўрсатишга даъват этдилар. Релеларнн йиғиш жараёнида техника назоратн бўлимининг масъулиятини янада кучайтириш, тўла хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтишга тайёргарлик кўриш, регулировка стендларининг нормал ишлашнни таъминлаш, ёшларга оталиқ ёрдамнни кучайтириш юзасидан кўпгина таклифлар ҳам киритилди. Йиғилишда сўзга чиққанлар хўжалик юритишнинг янги системасига катта умнд боғлаётганликларнни айтдн. Аммо ҳаққонй таъкидлаб ўтишганидек, цехда ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтишга совуққонлик билан қаралмоқда. Маҳсулотнинг давлат қабулига ҳам цехда ана шундай совуққонлик билан қаралганнни коммунистлар юз-хотнр қилмасдан очиқ айтишди. Жуда тўғри қилишди! Ахнр, ўтмишдаги нуқсонлардан жиддий сабоқ чиқариб олиш керак-да.

Биз бу ердагн эришилаётган ютуқлар ҳақида тўхталиб ўтмадик. Негаки ҳали бу ютуқлар билан кифояланишга вақт эрта. Коммунистларнинг фикрн ана шундай бўлдн. Айниқса маҳсулот сифатини ошнрнш бундан буён партия группасн йиғилишларининг кун тартибида туришн зарурлигн таъкидландн.

Ҳа, қайта қурнш давом этмоқда. Ҳар бир коммунист ҳисобот-сайлов йиғилишидан чиқар экан ўз-ўзига: «Хўш, мен қайта қуришга ўзимнинг бор имкониятларимни ишга солаяпманмн!» деб савол бердн. Бутун йиғилиш руҳи ҳам ана шундай ўз-ўзига талабчанлик вазнятида ўтдн.

К. МЕЗЕНЦЕВА,
кўп нусхали «Электротехник» газетасининг редакторн.

Халқ назоратчиси

№ 6 (247)

Иш тажрибасидан

ТАЪСИРЧАНЛИК ЙЎҚОЛИДА

Халқлар Дўстлиги орденли Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти халқ контроли бош группаси КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларига, СССР халқ контроли тўғрисидаги Қонун қоидаларига амал қилиб, партия ва совет органларининг, кенг жамоатчиликнинг мададига таяниб муайян ишларни олиб бормоқда.

Халқ контроли бош группаси ишини ташкил қилишда планлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам барча халқ контроли группалари раҳбарлари ва назоратчиларининг жойлардаги иш планлари қайта кўриб чиқилди. Институтимиздаги 12 факультет ва маъмурий хўжалик бўлимида 13 халқ контроли группаси ишлаб турибди. Дастлаб топширилган планларнинг кўпчилиги юзаки тузилганлиги, кўзда тутилган тадбирлар ҳаддан ортиқ эканлиги қайд этилди. Масалан, музика-педагогика факультети халқ контроли группасининг раҳбари Л. Х. Қўлдошев томонидан тузилган халқ контроли группаси иш планида 9 банд бўлиб, ундаги тадбирлар яхши ва ҳаётий берилган. Аммо ҳажми катта бўлиб, факультет ишларини ҳамма йўналишлар бўйича текшириб туришга тўғри келади. Бунда факультетнинг янги ўқув йилига тайёргарлиги, ўқитувчиларнинг ўқув топшириқларини, деканат ишларини, студентларга стипендия тақсимлаш, уларнинг маиший турмушини текшириш ва шунга ўхшаш ҳар хил рейдлар кўрсатилган. Аммо пландаги баъзи бир бандларда бажарувчи шахсларнинг аниқ фамилиялари ўрнига «Халқ контроли группаси аъзолари» деб ёзилганди. Шуларни ҳисобга олиб институт халқ контроли бош группаси планлаштириш ва ишни ташкил қилиш бўйича инструктаж ўтказди.

Халқ назоратчиларининг иши коллектив ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олганлиги учун уларнинг профессионал тайёргарлиги етарли даражада бўлмаслиги мумкин. Бунда, албатта, бажарувчиларнинг тажрибаси бор ёки йўқлиги яхшилаб анализ қилиниши лозим. Бизда қутубхона ходимлари ўқитувчиларнинг ўқув нагрузкаларини текширишга чек қўйилди. Чунки улар ўқув жараёни ва ҳужжатларини яхши тушунмаслиги мумкинлиги ҳисобга олинди.

Районлаштириш масаласи ишни ташкил қилиш масаласи билан чамбарчас боғлиқ. Институтнинг ҳамма бўлинмалари икки асосий қисмга, улардан бирига гуманитар факультетлар кириб, унга халқ контроли группаси раисининг ўринбосари М. Шодмонқулов жавобгар қилиб тайинланган. Иккинчи асосий қисмга табиий факультетлар кириб, унга халқ контроли группаси раисининг ўринбосари Р. И. Гузиков тайинланган. Улар текширишларда бевосита иштирок этиш билан бирга ишнинг бориши бўйича умумий кузатув олиб боради ва ёрдам бериб туради. Текшириш комиссияси сафига кирувчи шахсларнинг доираси жуда кенг бўлиб, ўзгариб турарди. Бу ҳар бир халқ контроли группаси аъзосининг текшириш ишларида иштирок этишига имконият яратиб беради. Текшириш комиссияларининг иши аниқ вақт билан планлаштирилган бўлиб, уни ўтказиш учун 10—15 кун берилади. Шундан сўнг иш натижалари албатта бош группа йиғилишларида тингланади. Агар иш ниҳоясига етказилмаган бўлса, айбдорга қаттиқ жазо берилади.

Маълумки, камчиликларнинг олдини олиш самарадорлиги кўпинча халқ контроли группалари ва постлари қандай ишлаётганига, улар камчиликларга қарши курашда қандай позицияни эгаллаганлигига ҳал қилувчи даражада боғлиқ.

Ўтган йили сентябрда планга кўра институтимизга ўрнатилган шаҳар телефонларининг иши текширилди. Уч кишидан иборат комиссия аъзолари: анатомия кафедраси доценти С. Х. Файзиев, 2-бўлим бошлиғи Н. Назаров, техника хавфсизлиги инженери И. Сачаковалар институт телефон алоқа бўлимидаги контролсизлик фактларини аниқладилар.

Баъзи кафедралар хизматга тегишли бўлмаган жуда кўп шаҳарлараро сўзлашувларида бўлганлар. Натижада бир йилда шаҳарлараро телефонда сўзлашиш ҳақи 2,5 минг сўмни ташкил қилган. Текшириш натижаларига кўра айбдорларга қаттиқ жазолар берилди. Институт телефон алоқаси бошлиғи вазифасидан четлаштирилди. Институт кафедраларидан асоссиз гаплашилган шаҳарлараро суҳбатлар учун ҳақ ундириш ректоратга таклиф қилинди ва шаҳарлараро сўзлашиш мумкин бўлган кафедраларни қисқартириш лозимлиги кўрсатилди.

Институт халқ контроли бош группаси студентлар ётоқхоналаридаги аҳвол масаласига катта аҳамият бериб келмоқда. Шу йил институт ректорати, партия ва касаба союз комитетлари, халқ контроли бош группасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда факультет деканлари студентлар ётоқхоналаридаги аҳволни анализ қилишди. Халқ контролига ётоқхоналарнинг моддий-техник ҳолати бўйича текшириш ўтказиш юклатилган эди. Текшириш натижаларига кўра фақат 2, 5-ётоқхоналарнинг сантехника жиҳозлари қониқарли, бошқа ётоқхоналардаги аҳвол қониқарсиз деб топилди.

Яқинда институтимизда шаҳар мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари халқ контроли группалар раисларининг семинар-кенгаши ўтказилди. Унинг қатнашчилари бизнинг халқ контроли бош группамизни шаҳар олий ўқув юртлари орасида энг ишчан, фаол ташкилот эканлигини таъкидладилар. Бу борадаги иш тажрибамизни оммалаштириш фикрлари билдирилганлиги бизни қувонтиради ва янги меҳнат зафарларига ундайди.

Бироқ, шуни айтиш керакки, ҳали ишимизда камчиликлар ҳам мавжуд. Энг муҳими бўлинмалардаги халқ контроли группалари ишини активлаштиришдир. Бундай группалар 13 та бўлиб, улар ҳар бир факультетда мавжуд. Аммо уларнинг фаолияти бугунги кун талабига тўла жавоб бермайди. Ҳалигача ташаббус кўрсатишдан қўрқиш ҳоллари бор. Умуман олганда энг фаол ишлар бош группа томонидан олиб борилмоқда. Ҳар доим ҳам текшириш натижалари таъсирчан бўлавермайди ва кўпинча қабул қилинган қарорлар охирига етказилмайди. Шунинг учун бош группа аъзолари халқ назоратчилари томонидан тез-тез танқидий мулоҳазалар эшитиб турадилар. Институт халқ контроли бош группаси келгусида ишларни янада яхшилаш, иш самарадорлигини ошириш учун бутун чора-тадбирларни белгиламоқда.

Т. ҚУРБОНОВ,
Халқлар Дўстлиги орденли Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти халқ контроли бош группаси раиси.



Ўрта Осиё темир йўлига қарашли Тошкент юк-товар станцияси халқ назоратчилари ўз фаолиятини тобора активлаштириб боришмоқда. Улар муҳим халқ хўжалиги юкларн ортилган контейнерларнн ўз вақтида жўнатилишн ва қабул қилиб олинишн юзасидан чуқур назорат ўрнатишган.

СУРАТДА: юк-товар станцияси халқ контролнинг актив хизматчиларидан Н. Тарасова ва К. Мазитоваларни иш устида кўриб турибсиз.

М. Нурмуҳамедов фотоси.

Районлардан хабарлар

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛСИН

«Средазгазавтоматика» ва «Узместпром»нинг илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари касаба союз ташкилоти билан биргаликда ишчи ва хизматчиларга маиший хизмат кўрсатиш борасида бир қанча ишларни амалга оширдилар. Бугунги кунда «Средазгазавтоматика» заводида юз ўринли ошхона, саббазот ва мевалар билан савдо қиладиган магазин, сартарошхона, соғлиқни сақлаш пунктлари ишчи ва хизматчилар ихтиёрида. Худди шунингдек «Узместпром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам ошхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд бўлиб, бундан ташқари шахмат, шашка, стол тенниси ўйнайдиган жой ажратилган.

Аммо шунга қарамасдан «Средазгазавтоматика» ва «Узместпром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчи ва хизматчиларга моддий ва маънавий ёрдам бериш қониқарли даражада эмас. Бу корхоналардаги ишчилар учун янги хизмат турлари мутлақо жорий этилмаган. «Средазгазавтоматика» заводининг ошхонасида текшириш ўтказилганда антисанитария ҳолатида эканлиги маълум бўлди. Корхонанинг ҳамма цехида ҳам дам олиш хоналари мавжуд эмас. Бу ерда 216 аёллар ишлашига қарамасдан гигиена хонасининг йўқлиги кишини ажаблантиради. Вентиляция тармоғи ишламайди. Душхоналар эса анчадан бери ремонтга муҳтож ҳолда ётибди. Худди шундай манзарани «Узместпром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам кўриш мумкин. Бу ердаги ишлайдиган 305 аёлга битта гигиена хонаси ажратилган. Ваҳоланки, учта ана шундай хоналар бўлиши керак эди. Ишчи ошхонасида корхонанинг кўплаб ишчилари ўзларининг вақтларини овқат ейиш учун навбатда туриш билан ўтказишади. «Средазгазавтоматика» ва «Узместпром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари маиший хизмат кўрсатиш комплекси усулида ишчилар ҳужжатини чиқариш ҳақида ўйлашмаётир. Корхоналардаги халқ назоратчилари пости ва группаларни ана шундай камчиликларни бартараф этиш ҳақида ҳеч қандай иш қилишаётгани йўқ.

Шаҳар халқ контроли комитети корхона раҳбарлари А. Мансуров ва Б. Турсуновлар зиммасига ишчи ва хизматчиларга маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларни кучайтириш ва уларга намунали хизмат кўрсатишни ташкил этиш вазифасини топширди.

З. САМИГУЛЛИН,
шаҳар халқ контроли комитети ташкилий бўлимининг мудири.

ҚОНУНГА ХИЛОФ

Тошкент шаҳар партия комитетн адресига шикоят хатн тушди. Унда «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Г. С. Александровичнинг хатти-ҳаракати танқид қилинган эди.

Хат текшириш учун Киров район халқ контроли комитетига юборилди. Текширувда мактубда келтирилган кўпгина фактлар тасдиқланмади.

Халқ назоратчилари хатда қайд этнлган корхона 10-цехн ишчиси Ф. М. Лапшинанинг чиндан ҳам кондага хилоф равишда корхона бош директори ўринбосари қабулхонасида машинистка бўлиб ишлаётганлигини аниқлашди. 4-разрядга эга бўлган бу ишчи ноқонуний йўл билан 1984 йилнинг февралидан бошлаб Г. С. Александрович ҳузурида секретарь-машинисткалик лавозимини бажариб келган. Бундай штат-молия интизомнинг бузилиши асосан корхонанинг меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи О. А. Соннинг ўз ишига масъулиятсизлик билан қараганлиги туфайли содир бўлган.

Халқ назоратчилэрининг қарорига биноан Ф. М. Лапшина ишдан бўшатилди. Унга ҳақ тўлашда ўз лавозимини суиистеъмол қилган меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи О. А. Сонга выговор эълон қилинди.

Шунингдек штат-молия интизомини бузиб цехда ишламайдиган ишчига ноқонуний йўл билан ҳақ тўлаб келган корхонанинг 10-цехи бошлиғи Ю. И. Бабиецга қаттиқ выговор берилди ҳамда Ф. М. Лапшинага шу йиллар давомида тўланган 313 сўмлик ортиқча ҳақни Ю. И. Бабиец ҳисобидан ундириб олишга қарор қилинди.

АТРОФ-МУҲИТ ЎГАЙ ЭМАС-КУ!

Киров район халқ контроли комитетининг район санэпидстанцияси ва давлат автомобиль инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган рейди шуни кўрсатдики, баъзи ташкилотларда ҳанузгача атроф-муҳит ва сув ресурсларн нефтлосланишининг олдини олиш тадбирларн тузилмаган, борларн эса зарур назорат ўрнатилмаганидан ишлар жуда секинлик билан бажарилмоқда.

2505-автоколоннада ана шундай тадбир ишлаб чиқилганнга анча бўлган. Бироқ у қоғозда қолиб кетган. Бу ерда автотранспорт ювилган, бошқа турли ишларда фойдаланилган сувлар тозаланмаяпти. Чунки махсус қурилган сув тозалагичлар қаровсиз ташлаб қўйилган. Шу боис ҳам ирригация системаларн нефть маҳсулотлари билан қопланган, нфлос сув эса Салор арнеҳига оқиб тушмоқда.

Бундан ташқари техника кўригидан ўтказилиб, трассаларга чиқарилган автоколоннанинг 100 та машинаси қайта текширилганда 16 та машина белгиланган нормадан 2 — 3 марта ортиқ зарарли газ чиқараётганн маълум бўлдн.

2-техник хизмат кўрсатиш станциясида автомашиналарнн ювиш қурилмаси бугунги кун талабнни қондирмайди. Ювиш операцияси асосан шланг орқали қўл ёрдамида амалга ошириларкан. Бундан чиқаётган нфлос сув моторларнинг обкаткасида ишлатилган сувларга қўшилиб, тозаланмаган ҳолда Бўзсувга ташланмоқда.

Худди шундай ҳолатнн 8-автопаркда ҳам учратдик. Турлн ёғлар сақланадиган жой ачнларлн кўрнишда. Нефть маҳсулотн тўкилавериб, унинг атрофида қалин қорамой қатламн пайдо бўлган. Текширнш кунн бу ердагн бочкаларнинг қопқоқларн йўқлиги, насосларнинг ишламаслиги, автопаркнинг бутун территориясн ёғ қатламн билан қопланганлиги аниқланди. Бошқа ташкилотлардагн сингарн ирригацнон тармоқ нефть маҳсулотларн ташланавериб яроқсиз ҳолга келган. Тўпланиб қолган сув арнқларга қуйилмоқда. Ташкилотда автотранспорт ремонти махсус белгиланган жойда эмас, автопарк территориясининг дуч келган жойнда амалга оширилаётганндан майдон кўриниш таъбнн хнра қнладн.

Тошкент асбобсозлик заводида ҳам бу соҳадагн ишлар кўнгилнн тўлдирмадн. Масалан, шу йилнинг биринчи кварталида чархлаш дастгоҳига ўрнатилиши зарур бўлган ЗИЛ—900 маркали фильтр ҳанузгача ўрнатилмаган. Завод цехларидагн 18 та вентнляцнон қурилма яроқсиз ҳолга келиб қолганлигн туфайли нфлос ҳаво ва турлн хнл газлар тозаланмаяпти. Бу эса цехлардагн ҳаво таркибн бузилишга олиб келмоқда. 3 ва 4-цехларнинг ёнида чиқиндилар уюми бўй ростлаб турибди. Нефть маҳсулотларн сақланадиган жой эса нфлос.

Бундай мисолларнн кўплаб келтнрнш мумкин. Лекин бнр савол туғнлади: нега энди баъзн раҳбарларга улар қилиш керак бўлган нарсаларнн доимо четдан кнмдир эслатиб турнши, бажарилишнни назорат қилиб борнш керак!

Хуллас, санитарня қоидаларнга амал қилиш ҳар бирнмизнинг вазнфамиз. Она табнатнмиз бизга инъом этган гўзалликларнн барбод этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ғ. РАЗЗОҚОВ.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

М. КОЙВИСТОНИНГ СССРда БЎЛИШИ

Финляндия Президенти М. Койвисто Олмаотадан жўнаб кетди.

У Бойқўнғир космодромини бориб кўрди.

Кечқурун меҳмон Қирғизистон пойтахтига етиб келди.

Республика Компартияси Марказий Комитетида суҳбат бўлди. Президент Совет Иттифоқининг тинчлик учун актив ҳаракат қилаётганлигидан зўр мамнуният изҳор этди. Рейкьявик учрашувидан кейин мен тинчлик учун янги ўзгаришлар йўли очилди, деб умид билан айтган эдим. Хато эмаганлигимдан хурсандман. Ядровий ракеталарнинг ярмини бориб кўрдим. Ядровий ракеталарнинг ярмини тугатиш тўғрисида ахдлашиб олинганлиги — ниг далилидир.

* * *

Финляндия республикасининг Президенти М. Койвисто Фрунзе шаҳрининг довруғатга сазовор жойлари билан танишди.

М. Койвисто қисқа муддат дам олиш учун Иссиққўлга жўнаб кетди.

СОВЕТ ТИНЧЛИК ТАШАББУСЛАРИ ХУСУСИДА БИЛДИРИЛГАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР

● ПРАГА. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун қурашувчи Чехословакия Комитети КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Хавф-хатарсиз дунёнинг реаллиги ва гарантиялари» мақоласида баён этилган ғояларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлади. Комитетнинг бўлиб ўтган мажлисида шу нарса таъкидландики, мақолада олға сурилган таклифларни рўёбга чиқариш ҳозирги халқаро муносабатларнинг энг асосий проблемаларини ҳал этишга олиб келган, бутун инсониятнинг тинч истиқболини таъминлаган бўлур эди. Мажлис қатнашчилари СССР ҳамда бошқа социалистик мамлакатларнинг халқаро хавфсизлик комплекс системасини вужудга келтиришга қаратилган кучғайратларини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

● ТОКИО. Японияни таниқли сиёсат ва жамоат арбоби, ҳукмрон либерал-демократик партиядан сайланган парламент депутати Мнэнори Акаги Совет тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаб гапирди. У ТАСС мухбири билан бўлган суҳбатда ўртача ва камроқ олтлик ракеталарини тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида принципиал ахдномага эришилганлиги чуқур мамнуният туғдирмоқда, деди. Япония парламенти аъзоси тегишли битим яқин вақт ичида имзоланиб, кучга киради, деб умид билдирди. Биз қуролсизланиш соҳасида Совет Иттифоқи сиёсатини айниқса ядро қуролларини 2000 йилгача босқичма-босқич тугатиш тўғрисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев олға сурган программани қўллаб-қувватлаймиз, деб таъкидлади М. Акаги.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПРАГА. Бу ердаги Чехословакия — Совет дўстлиги клубида очилган фотовиставка «Зафарли 70 йил» деб аталган. Виставкада Улуғ Октябрь юбилейи шарафига Чехословакия — Совет дўстлиги иттифоқи ўтказган умумдавлат фотоконкурси ғолибларининг асарлари қўйилган.

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош Ассамблеясининг иккинчи комитети куни кеча ривожланиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорликка оид масалаларнинг бутун комплекси юзасидан умумий мунозарани бошлади.

БОННГ. Балтика денгизи соҳилларида НАТОдаги бир қанча мамлакатлар ҳарбий-денгиз кучларининг «Балтик операциялари» деган шартли ном остидаги машқлари бошланди. Машқларда Америка Қўшма Штатлари ва Европадаги ҳарбий-денгиз кучлари қўмондони адмирал Жеймс Бьюси раҳбарлик қилмоқда.

Объективда—ГДР



Бу йил Германия Демократик Республикаси пойтахти—Берлин ташкил топганнга 750 йил тўлди.

СУРАТДА: янги бунёд этилган турар жой кварталн; Берлинликлар ҳар бир кварталга гўзаллик бағишлаб турган гўзорларнн иштиёқ билан парвариш қилишади.

Б. Корзин фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

АҚШ аҳолиси

ВАШИНГТОН. АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюросининг маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда Қўшма Штатларнинг хотин-қиз аҳолиси мамлакатда яшаётган эркаклар сонидан анча кўпдир. 1986 йилнинг 1 июлигача АҚШнинг 241 миллионли аҳолисидан 123 миллион 718 мингги аёллардан ва 117 миллион 360 мингги эркаклардан иборат бўлди. 43 та штатда аёллар

УМРИ ЧИНОРЛАР

Тунислик врачлар яқинда ғорларда яшайдиган кишилар шаҳарликлар ва оддий қишлоқларда яшовчиларга нисбатан узоқ умр кўришларини аниқладилар. Тунисда тоғ этагида яшовчи қабилалар ҳамон узоқ ўтмишда яшаш учун мослаштирилган ғорларда истиқомат қилишади. Аксарият чорвадорлар ва деҳқонлар кабн улар сут, сабзавот ва меваларни, ўсимлик мойини истеъмол қиладилар. Мазкур қабилаларнинг аҳолиси 80, 90 баъзан 100 ёшгача умр кечиради. Эҳтимол бунга осойишталик ва суқут сабабдир? Бундай эмас экан. Ғорларда яшовчилар бир кунда бир неча марта тик тоғ сўқмоқлари бўйлаб ўз уйларига кўтарилишар экан. Кўпгина куч-ғайрат сарфлаш билан боғлиқ доимий ҳаракат узоқ умрнинг гаровидир, дейишмоқда медиклар.

ИЎЛДАГИ ҲАЗИЛКАШЛАР

Америкаликлар ҳазилни яхши кўришади — бунн ҳамма билади. Ғарбий соҳилдаги йўлларда бирнда олдинда кескин бурилиш келишидан огоҳлантирувчи белги ёнади. «Агар машинанг сузишни билса тормоз бермай тўғри ҳайдайвер» деб ёзилган. Лонг-Айлендда эса сигнал чиқадиган ерда эса шундай ёзув кўзга ташланади: «телеграф устуни. Ўзинн ҳимоя қилиш тариқасидагина автомобилларга ва ҳайдовчиларга ҳаракат ўргатишга ҳожат йўқ. Детройт яқинидаги тепаликларга эса шиша ва қўйдирилган ёзув илова қилинган: «Маҳаллий полициячилар спирт ҳидини шу ердан ҳуш кўришадики, ҳеч қандай ҳайдовчини учлатмайди».

Калейдоскоп



Бахт-саодат сизга ёр бўлсин, меҳру садоқат фарзандлари! Р. Шарипов фотоси.

САХОВАТЛИ ТОК

Грузиянинг Сигнах районидаги Тибаан совхоз-комплексидан Деметрашвили оиласи аъзоларидан беш киши бирданига 50 минг сўмга яқин мукофот пули олди. Хўжалик билан тузилган шартномага биноан улар оилавий пудрат асосида парвариш қилаётган токзорнинг пландан ташқари реализация қилинган узуми учун уларга шунча пул тўланди.

Бу участкада ҳосилдорлик йилдан-йилга камайиб борарди, — дейди К. Демитрашвили. — Бултур бизга 230 тонна узум бериш планлаштирилганди, биз эса 508 тонна бердик. Енг шимариб ишладик. Хароб бўлган токзорни тиклаш, даволаш керак эди. Токни парвариш қилсангиз, у сизни ҳурсанд қилмасдан қўймайди. Мисол учун, бир туп токдан 200 килограммдан кўп узум олдик.

Хўжалик бригадага ўғит, машина-ускуналар ажратди. Бригаданинг ҳар бир аъзоси бу машиналарни бирдай яхши бошқаради. Бу йил соҳибкорлар камида 500 тонна узум беришмоқчи.

ОЛМАЗОРДА ЯРАТИЛГАН ФИЛЬМЛАР

Киностудия павильонларида нималарни яратиб бўлмайди, дейсиз! Бу ерда чангалзорлар ва тоғларни ҳам, арктика музликларини ҳам кўриш мумкин. Тўғри, буларнинг ҳаммаси фақат суратга олиш чоғидагина мавжуд бўлади. Аммо А. П. Довженко номли студияда бир жой ҳам борки, унга саҳна анжомларининг ўзгартишлари сира даҳл қилмайди. Бу Александр Довженконинг ўзи барпо этган олмазор боғидир. Мана шу олмазорда қанчадан-қанча гоялар туғилган, қанчадан-қанча ижодий кашфиётлар вужудга келган.

Режиссер Юрий Ильенко ҳам шу боғни гуллаган пайтда айниқса ёқтиради. Балки Довженко боғидаги гуллаб турган олма шохи Юрий Ильенкони 1963 йилда у оператор бўлган вақтда суратга олган ва бутун дунёда эътироф этилган «Унутилган аждодлар соялари» фильмини яратишида илҳомлантиргандир.

Ҳозир Ильенко ўзининг ўнинчи фильмини суратга олди. «Сомон қўнғироқлар» халқ кинодрамаси устидаги ишларнинг тугалланиши Юрий Ильенконинг 20 йилдан кўпроқ вақтдан буён «жавонда» ётган дастлабки картинаси «Ташналар учун булоқ» фильмининг экранга чиқиши билан бир вақтга тўғри келди.

Режиссёр Роман Балаян олдинги фильмлари — «Тушдаги ва ўнгдаги парвоз», «Мени асра, туморим» картиналари мавзусини янги картинада ҳам давом эттирди. Бу гал у 1917 йил революциясидан олдинги воқеаларга мурожаат қилиб, «Айғоқчи» картинасини суратга олди. Бу фильм қийин ахлоқий вазиятларга дуч келадиган киши тўғрисидаги ўзига хос «Кинотрилогия»ни якунлади.

«Севги ажалдан кучли» лентасини суратга ола бошлаган Николай Машченко группаси Чернигов областига ижодий экспедицияга жўнаб кетди. Бу фильм Олесь Гончарнинг «Урушнинг сўнгги кунлари» ҳақидаги қиноясси асосида экранлаштирилмоқда.

— Республика бадиий киносидаги ишларнинг аҳволини ўзгартириш, миллий ўзига хосликни, проблемаларнинг ўткирлигини, чинакам халқ характерини яна тиклаш учун ҳали кўп иш қилишга тўғри келди, — дейди Украина кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари М. Беликов. Айрим истеъдодлар яратадиган битта-иккита фильм билан чекланиб қолиш ярамайди, студиянинг бутун маҳсулоти актуал, юксак даражада бадиий, томошабинларда зўр қизиқиш уйғотадиган бўлсин.

Ажойиботлар оламида

Чўртан балиқ итни ютиб юборди

Ишониш қийин-у, лекин рост гап — чўртан балиқ итни ютиб юборди. Воқеа Печора дарёсида юз берди. Туман деган ит балиқчи эгасини қидириб дарё бўйига югуриб келди. Нариги қирғоқда ўртоқлари билан турган эгасини кўрган ит ўзини сувга ташлади. Дарё ўртасига бориб қолган ҳам эди, бирдан ғойиб бўлди ва атрофга сув тўлқинлари таралди, холос.

Балиқчилар итни чўртан тортиб кетганлигини билишди. Лекин нима қилиш керак: ўшаёққа тўр ташлаб тортиб кўришди. Бир вақт қарашса, тўрга улкан чўртан тушган ва унинг ортидан итнинг думи чиқиб турарди. Балиқни даррров чавақлашди ва унинг қорнидан Туман сирғалиб тушди. Ит чуқур нафас олиб ўрнидан турди-да бир пишқириб, қутириб, чўртанга ташланди.

Балиқчилар ҳайрон бўлиб қолишди, кейин балиқнинг катталигини ўлчашди ва тарозига солишди. Унинг бўйи 1,8 метр, вазни 52 килограмм чиқди.

ТАСС мухбирлари.

ВАФО ВА ЖАФО

Бўлган воқеа

Бир куни яна ярим кечада қайтиб келди. «Тиқ» этса эшикка термулиб ўтирган Юлдузхон эрининг истиқболига югуриб чиқди-ю, унинг оғзидан келаётган арақнинг қўланса ҳидини сезиб ярим йўлда тўхтаб қолди.

— Ҳа, кеч келишимиз ёқмадими, балки ишига вақтида бориб кун ботмасдан келадиган эрни қўмсаб қолгандирсиз?

Эридан бу сўзни эшитган Юлдузхоннинг устидан совуқ сув қуйгандек бўлиб кетди.

— Нималар деяпсиз Олимжон ака, уялинг-е, шундай дегани.

— Ҳали дашном ҳам берадиган бўлдингизми, гапим ёқмади шекилли маликаи Турандотга?

— Малика деб кесатманг, Олимжон ака, агар айбим бўлса айтинг.

— Айбингни билмайсанми? Айбинг шуки сен сут бермайдиган қўтир эчкисан...

Юлдузхоннинг юраги зил кетди. Эри нимага шаъма қилаётганини тушунди. Нима қилсин, фарзанд тирноғига зор. Эри эса буни юзига солгани солган. Бундай таъналарнинг чегу-чегараси борми?

Қайнанасини даҳлизда кўриши билан ўпкасини тутолмади.

— Яна эски нағмангни бошладингми, Олим?..

— Аралашманг бизнинг ишга. Менга сут бермайдиган қўтир эчки керакмас.

— Бўлди, ҳақорат қилманг.

Карим ака ишдан жуда кеч қайтди. Эшикка термулиб ўтирган Замира опани кўрди-ю, унга савол назари билан қаради.

— Келдингизми, хавотир олиб ўлиб бўлдим, — деди-ю, бошқа гапиролмади.

— Ҳа, тинчликми, қизинг қани?

— Институтига ҳам, дугоналари Раъно билан Азизаларникига ҳам бориб келдим. Ўқишга бормабди.

Карим ака турган жойида қотиб қолди.

Эр-хотин тонггача мижжа қоқмай чиқишди.

Учинчи куни Жамила уйига хомуш кириб келди. Онасига бўлган барча гапни, ўзи билан юз берган фожиани айтди. У алданган, номусини ўғирлатган эди...

Қизларининг ўйламай босган қадами жабрини тортаётган ота-она олдида энди уни бир амаллаб «эгаси»га топшириш вазифаси турарди. Улар қариндош-уруғлари олдида шармандаи-шармисор бўлишдан кўра Жамилани ҳатто оиласи бузилган йигитга беришга ҳам рози бўлишганди. Лекин Жамила борган жойида ҳам тиниб-тинчиб кета қолмади. Қайнанасини менсимади, эри билан эса кунда бўлмаса-да, кунора ғижиллашадиган одат чиқарди. Бундай можаролар айниқса бир эркакнинг машинасидан ҳингиллаб тушаётганини эри кўриб қолгандан кейин жуда авжига чиқди. Бахтиёр дастлаб Жамиланинг чиройига учди-ю, унинг ахлоқ-одобини суриштирмай зора ўғлимга оналик қилса, унинг ўксик қалбини ардоқласа деган умидда унга уйлана келмай қолди. Бундан Нодир ака билан Дилбар опа тоза хавотирда эдилар.

Почтачи хотин олиб келган хабар Дилбар опанинг ҳушини йўқотаёзди: у Тоҳиржон хизмат қилаётган ҳарбий қисмдан эди.

«Шундай мард ўғилни вояга етказганингиз учун сизларга раҳмат. Ўғлингиз Тоҳир Нодиров Армия хизматини тугаллаш арафасида душманлар билан бўлган аёвсиз жангда қаттиқ яраланди. Уни мукофотга тавсия этдик», дейилганди хатда.

Нодир ака Дилбар опа тепасида парвона бўлар, кўз ёшларини хотинига кўрсатмасликка ҳаракат қилиб, нуқул юзини дастрўмоли билан тўсарди. Аммо кўнглида келинига бу хабарни қандай етказишни ўйларди. Бусиз ҳам Насиба тоза нағма кўрсатаётган, Тоҳиржон Афғонистонга, Армия хизматига кетгандан кейин бир кун уйда бўлса, ҳафталаб ойисиникига кетиб қолишни тарки одат қилиб олганди.

«Тез ёрдам» Дилбар опани касалхонага олиб кетди. Уй эса ҳувиллаб қолди. Бу ҳувуллашни кечқурун қабристонда сайраган бойқуш овози каби Насибанинг товуши бузиб юборди. Нодир ака бўлган гапни унга ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлар, аммо Насиба ҳамон шаллақилик қиларди:

— Ота-онамнинг қистови билан эрга тегмай мен ўлай. Мана энди нима бўлди, нима бўлди?! Менга мажруҳ эрнинг нима кераги бор? Бу уйни энди елкамнинг чуқури кўрсин, кетаман, кетаман бу савил қолгур уйларингдан...

Насибанинг овози бошқа хонадонларга эшитилар, Нодир аканинг уйидаги машмашалардан хабар топган қўшнилар ҳам унинг аҳволига ачинишиб, келинининг айтаётган гапларидан ёқа ушлашарди.

— Бўйнидан бойлаган овга ярамайди, деганлари шу-да, — деди қўшнилардан бири. — Гапираётган гапини қаранглар. Ҳе, аёл бўлмай кет-э!

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Насиба кўч-кўронини олиб Нодир акаларникидан кетиб қолди.

Бу орада ҳарбий қисмдан яна хат келди. Уни Тоҳиржоннинг ўзи ёзган эди. У оғир шикастланганини, мина парчаси ўнг товонини ўпириб кетганини, энди оқсоқланадиган бўлиб қолганини ёзганди.

Армия хизматидан келган ўғлини аэропортда кутиб олар экан, Дилбар опанинг ўпкаси тўлиб кетди:

— Шунчалик соғ-омон келганингга шукур, ўғлим.

— Насиба қани, нега у кўринмайди? Ўғлининг саволига Нодир ака жавоб қилди:

— Командирингдан хат келгач, у кетиб қолди...

Тоҳиржоннинг боши маъюс эгилди.

Шуларни сўзлаган Тоҳиржоннинг аммаси гапини якунларкан, Қундуз опага қараб деди:

— Йўқ деманг, айланай, уларнинг юлдузи-юлдузига мос бўлиб турибди. Иккаласининг ҳам биринчи турмушидан оғзи куйган. Мени айтди дерсиз, улар бахтли бўлишади...

Қундуз опа аёлларни кузатиб қўяркан узоқ хаёлга чўмди. Кейин Юлдузхон билан гаплашиб унинг раъйини сўради.

— Қайдам ойижон, — деди Юлдузхон онасига қараб, — энди қатиқни ҳам пуфлаб ичаман.

— Ундай дема, беш қўл баравар эмас, анча бамаъни оилага ўхшайди. Нима қиласан, пешонанг-да болам. Зора бахтингни топиб, уйларингни бозор қилиб ўтирсаларинг.

— Билмасам...

ЮЛДУЗХОН билан Тоҳиржоннинг тўйлари ширингина ўтди. Тоҳиржонларнинг уйига ўзгача файз-тароват кириб келди.

Бир куни Дилбар опа Юлдузхонни уйига юборароқ тайинлади:

— Етиб келақолинг болам, қудамларга салом айтинг.

Ярим тунгача она-бола узоқ дардлашиб ўтиришди. Юлдузхон Тоҳиржоннинг меҳрибонлиги, қайната-қайнанасининг ширинсўзликларини гапирди.

— Айтадиган яна бир гапим қолди, — деди Юлдузхон онасига қараб.

— Қулоғим сенда.

— Бир ойдан бери нордон анор егим келади, ойижон...

Қундуз опа эсанкираганидан, севинганидан ўрнидан қандай туриб кетганини, яқинида ўтирган қизини уйни айланиб ўтиб бағрига қандай босганини билмайди.

— Юзинг ёруғ бўлибди болам, вой ўргилай сендан, қизгинам, даданглариинг севинчдан юраги ёрилади энди.

Янги меҳмоннинг дунёга келишини орзиқиб кутишарди... Лекин баъзида Юлдузхонни вақт босарди. Шундай кезларда Дилбар опа унга таскин берарди:

— Асло хавотирланманг, айланай. Болангизни эсон-омон бағрингизга босиб келасиз...

Машина уни туғруқхонага олиб келганида очиқ гап қайинэгачисининг қўлига тушиб қолганидан чўчиди. миясига турли хаёллар келди. Бир вақтлар шу қайинэгачиси унга парвона эди. Лекин бефарзандлик, қолаверса Олимжоннинг ичкиликка берилиши, ўринсиз рашки туфайли оилага дарз кетди. Энди тақдирни қарангки, биринчи эрига фарзанд туҳфа этаолмаган Юлдузхоннинг қайинэгачиси қўлида кўзи ёриши керак!

Фарзанд кўрган куни Нодирахон бошига тушган фалокат ҳақида гаплашиб ўтирган аёлларнинг сўзлари қулоғига чалинганда унга тўғриси аввалига ишонмади. Лекин аслида шундай ҳол юз берганди. Олимжоннинг умри фожиа билан тугаганди. Жамиланинг қисмати-чи? Уни ҳам ҳаёт қаттиқ жазолади. Олимжон ҳалокатга учраганда унинг ёнида эди. Ёки Тоҳиржоннинг биринчи хотини Насибанинг енгилтаклиги-чи, ўғлини тирик етим қилиб, уни ота меҳридан жудо этгани-чи?

Бу ўринда биз уруш йилларида севган ёрларини фронтга кузатиб ҳанузга қадар уларнинг йўлига кўз тутиб, интизорлик билан кутувчи, севги, садоқат ва вафо бобида ўзларига ҳайкал қўйган минг-минглаб мунис аёлларимиз номини зўр ҳурмат ва эҳтиром, фахр билан тилга оламиз, уларни ардоқлаймиз. Насиба-чи? Асло! У бундай севги соҳибаларининг тирноғига ҳам арзимайди!

Биз уч оиланинг, уч эр-хотиннинг ҳаётида чиндан ҳам юз берган, бир-бирига ўхшамаган қисмат-тақдири ҳақида мулоҳаза юритдик, вафодорликни улуғлаб, бевафоликни ранж билан қаламга олдик.

Бир қараганда, бу оилаларнинг бирбирлари билан ўзаро меҳр иплари гўё арзимаган баҳона-сабаблар билан узиб юборилгандек, ота-оналарнинг, маҳаллакўй, қариндош-уруғларнинг бу уч оила ишларига, тақдир-қисматига томошабин сингари лоқайд ва бефарқ бўлишгандек туюлиши мумкин. Лекин аслида шундайми? Асло! Ҳамма, уларнинг жигаргўшаларию, яқин-йироқ дўстёрлари, жамоатчи софдил кишилар уларга кўплаб панд-насиҳатлар қилишди, йўл-йўриқлар кўрсатишди, ҳамдам-ҳамдард бўлишди, куюнишди. Афсуски, аччиқ тақдир уларни шу хато йўлга атайин бошлагандек ўз гирдобига тортаверди.

Сир эмас: биз ҳаётнинг бундай сўқмоқ кўчаларига кириб қолган кимсаларга ҳарчанд ёрдам бермоқчи бўламиз, бироқ ҳаммавақт ҳам унинг уддасидан чиқавермаймиз, бунинг боиси кишиларнинг ўз билганларидан қолмасликлари, калондимоғлик каби руҳий ҳолатларга берилишидир. Ваҳоланки, мана шундай руҳий ва ҳиссий ҳолатларга берилиш ҳаётда кўпинча кўнгилсизликларга, фожиаларга олиб келади. Биз ҳикоя қилган оилалар ҳам бундан мустасно эмас.

Дарҳақиқат, уч оила, уч тақдир, уч қисмат. Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари, унинг ойдин йўллари-ю сўқмоқлари, ушалмаган орзулар-у инсон қалбидаги армонлар, муҳаббат ва вафо, севги ва хиёнат...

Мана шуларни ўйлаганда шоирнинг инсоний туйғулар улуғланган дилбар мисралари беихтиёр ёдга тушади:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.

Чиндан ҳам, менинг азиз ва суюкли замондошим, вафо ва садоқатга нима етсин! Ё шундай эмасми?

Солиҳ ЁҚУБОВ.

Шашка

ИККИ ПЕШҚАДАМ

Тошкентдаги Округ офицерлар уйида халқаро шашка бўйича аёллар ўртасида ўтказилаётган «Қизил чиннигул» Бутуниттифоқ турнирида яна уч тур ўйинлари бўлиб ўтди. Бу учрашувларда ригалик шашкачи Зоя Увачан юксак маҳорат кўрсатиб, 2,5 очко тўплашга муваффақ бўлди. У дастлаб чиройли комбинация ишлатиб минсклик собиқ жаҳон чемпиони Людмила Сохненкони мағлубиятга учратди. Кейин эса мамлакатимизнинг яна бир собиқ чемпиони ленинградлик Людмила Петровани енгди.

Пешқадамлар сафида бораётган Ольга Горолик билан эса очкони бўлашиб олди. Натижада у якка пешқадамликни қўлга олган киевлик Нина Янковскаяга етиб олди. Бу спортчи кейинги уч учрашувда икки очко тўплади. Шунга қарамасдан анча салмоқли ғалабани қўлга киритди. У турнирда биринчи марта Ольга Горолик мағлубиятга учратди.

Киевлик яна бир шашкачи Татьяна Пинчук ҳам кейинги уч учрашувда 2,5 очко тўплашга муваффақ бўлди. У пешқадамлардан бири москвалик Елена Читайкинани енгди.

Бу турларда республикамиз вакили Гавҳар Норбекова ҳам муваффақиятли дона сурди. У ўз жамғармасига яна икки очко қўшиб, пешқадамлар сафига ўтиб олди.

Тўққизинчи турда ўйналган Людмила Сохненко — Зоя Увачан партияси ниҳоятда қизиқарли бўлди. Бу ерда оқ доналарни сурган Людмила Сохненко Зоя Увачан қўллаган системанинг моҳиятини англаб етмади. Натижада мағлубиятини тан олишга мажбур бўлди.

Кечиктирилган партиялар давом эттирилган куни учрашувдан ҳоли бўлган турнир қатнашчилари Тошкентнинг тарихий ёдгорликлари билан танишишди. Циркка бориб, томоша кўришди.

Шундай қилиб, турнир якунланишига уч тур қолди. Ҳозирча ҳаммадан кўп — олтитадан очко тўплаган Зоя Увачан ва Нина Янковскаялар ғолиблик учун яққол даъвогарлик қилишмоқда. Е. Мартьянова ва Е. Читайкина ҳисобида 5,5 тадан, О. Беляева, О. Горолик, Г. Норбекова ҳисобида эса 5 тадан очко бор. Хуллас, учрашувларнинг моҳияти ва салмоғи тобора ортиб бормоқда. Худди шу нарса қатнашчиларнинг ҳар бирини ўта ҳушёрлик билан дона суришга даъват этмоқда.

Р. АДОНЬЕВ.



«ТИЛЛА БАЛИҚЛАР»

Ҳ. Шодиев фотоэтюди.

Келинг, бир кулишайлик

Хандалар

ЎҒРИ

Профессорнинг хотини эрига деди:

— Жонгинам, кутубхонамизда ўғри юрганга ўхшайди...

— Қарачи, у нималарни ўқияпти экан! — ҳовлиқиб сўради профессор.

САРДИНКА

— Менга бир банка сардинка беринг.

— Марҳамат, қанақасидан берай, испанчами, португалчами ёки французчасиданми!

— Э, менга барибир. Мен улар билан гаплашмоқчи эмасман...

ЖАНЖАЛ

Геологлар мактуб олишди. Ёш геолог конвертни очиб тоза қоғозни олди.

— Бу қанақаси бўлди! — сўрашди дўстлари ундан.

— Қайлиғимдан мактуб олдим.

— Хўш, ундай бўлса нега у ҳеч нарса ёзмапти!

— Уйдан чиқаётганимда жанжаллашиб қолувдик, ҳанузгача бир-биримиз билан гаплашмаймиз...

БОШЛИҚ

— Агар, бошлиқ кечаги айтган сўзларини қайтиб олмаса, мен бошқа бу ерда ишламайман.

— Ҳа, у нима деди!

— У «Бошқа иш топинг!» — деди.

БУДИЛЬНИК

— Хоним, сиз ҳар куни эрталаб ишга кечикиб келасиз. Уйда будильнигингиз йўқми!

— Будильнигим борликка-ку бор-а, бироқ у ҳар куни мен ухлаб ётганимда жиринглайди-да.

Французчадан
Сандғани МУСАЕВ
таржимаси.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР — РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ
АКТЁРЛИК ВАЗИФАСИГА
(уч эркак ва икки аёл)
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
КОНКУРС ШАРТЛАРИ

Конкурсда қатнашувчилар олий театр маълумотига эга бўлиб, 26 ёшдан ошмаган бўлишлари керак. Эркаклар ҳарбий хизматни ўтаган бўлишлари лозим.

Қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: Конкурс жюриси номига ариза, иккита 13x18 формадаги фотосурат, олий ўқув юртини битирганлиги ҳақидаги дипломнинг нусхаси, яшаб турган жойидан справка.

АРИЗАЛАР 15 ОКТЯБРДАН 30 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Театр адреси: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 34-уй. Конкурс жюрисига.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИТТИФОҚ ШАҲАРЛАРИ БИЛАН ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН КАНАЛЛАРИДА ИЖАРАГА ФОЙДАЛАНИШНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Справкалар юзасидан ҳафтанинг иш кунлари соат 9 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали станциянинг фойдаланиш-техника бўлимига мурожаат қилинсин: 44-18-20, 44-27-07.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТЎҚИМАЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ (Б. Хмельницкий кўчаси, 45-уй)

проза ва поэзия, адабий танқидчилик борасида ўз кучини синаб кўраётган кишиларни

«ҚАЛАМ МАШҚИ» («Проба пера») АДАБИЙ БИРЛАШМАСИГА **ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

Қабул— чоршанба кунлари соат 18 дан 20.00 гача, шанба кунлари — соат 12 дан 15.00 гача 34-кабинет (2-қават) да ўтказилади.

Справкалар учун телефон 53-36-34.

КАСБ ТАНЛАЙМИЗ!

«БЕЛАРУСЬ»

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Беларусь» мактаб-магазинига Тошкент шаҳрида доимий пропискада бўлган, 8-10 синф маълумотли, 17-30 ёшдаги қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади. Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Ўқиш давомида кечки мактабда ҳам шуғулланиш мумкин.

Мактаб-магазинга кириш учун директор номига ариза, аттестат ёки ўрта мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома, мактабдан ёки охирги иш жойидан характеристика, иккита фотосурат (3x4 см), яшаш жойидан справка 086/У формадаги медицина справкаси керак. Паспорт шахсан кўрсатилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТЎЛГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адресимиз: Луначарский шоссеси, 150/17, 18-троллейбуслар, 101-автобус, «Партшкола» бекати. Метронинг «М. Горький» станцияси).

КУЙБИШЕВ РАЙПИШ. ЧЕТОРГИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги,

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА
16, 21, 22, 29 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ
Санд Аҳмад.

КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ

(уч пардали комедия)

БОШ РОЛДА — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати ЗАЙНАБ САДРИЕВА.

РОЛЛАРДА — Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Т. ОРИПОВ, П. САИДҚОСИМОВ, Х. ХЎЖАЕВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Л. БАДАЛОВА, Г. ЖАМИЛОВА, Д. ИСМОИЛОВА, О. ЮНУСОВ, О. ЁҚУБОВ, Т. ЮСУПОВА;

артистлар: Э. КОМИЛОВ, Ё. САЪДИЕВ, Х. НУРМАТОВ, М. ОРИПОВА, Р. АҲМЕДОВА ва бошқалар.

Спектакллар соат 19.00 дан бошланади.

Касса соат 14.00 дан очиқ.

Адрес: Уйғур кўчаси 2-уй. Телефон 44-56-52.

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

Контролер-кассирлар тайёрловчи 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА Озиқ-овқат моллари сотувчиларини тайёрловчи 4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

Қабул эълон қилади

ЎҚИШГА 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН, 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади ва ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

Мактаб-магазинни тамомлаганларга йирик магазинларга ишга йўлланма берилади ва уларга совет савдоси техникумининг сиртқи бўлимига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришларига имконият яратилади.

Таълим рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 63-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайлар; 2, 3, 22, 32, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь» бозори бекати). Телефон 55-75-15.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ЧЕВАР» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

тикувчи-мотористкалар, тикув машиналарини созловчи механиклар. Чунончи, хотин-қизлар уй шароитларида ишлаш учун тикувчи-мотористка ва чопонларни қўлда қавиб тикиш ишига таклиф қилинадилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ ЯНГИ ҚУРИЛАЁТГАН ЙИРИК ПАНЕЛЛИ УЙСОЗЛИК ЗАВОДИГА:

асбоб-ускуналарни созлаш бўйича слесарлар, вентиляциячи-слесарлар, слесарь-сантехниклар, пайвандловчилар, кранчилар, электриклар.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

КУЙБИШЕВ РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:

участка бошлиғи, катта мастер, мастер, инженерлар, техник-технологлар, нормаловчи экономист, токарлар.

ҲАМЗА РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАСИГА:

технологик асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатувчи созловчи-слесарлар, тайёр маҳсулотни безовчилар, картон идишлари тайёрловчилар.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

ЛЕНИН РАЙОН ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА:

йўл монтерлари, ғишт терувчилар, сувоқчилар, дурадгор, газ-электр пайвандчилар, автокранчилар, тракторчилар.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ЕНГИЛ САНОАТ ҚОРХОНАСИГА:
асбоб-ускуналар ремонти бўйича асбобсоз-слесарлар, йўнувчи, цех фаррошлари.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй;
Ленин район пункти—Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй;
Ҳамза район пункти — Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй;
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй;
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй;
Акмал Икромов район пункти — Фарҳод кўчаси, 21-уй;
Сергели район пункти — Спутник, 2-квартал, 69-уй;
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

Ўқишга марҳамат!

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ
1987-1988 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Республика ўқув-курс комбинати савдонинг қуйидаги соҳалари бўйича мутахассисларни тайёрлайди: БАРЧА ПРОФИЛДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ ТОВАРЛАРИ КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАРИ ВА СОТУВЧИЛАРИ.

17 дан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотли қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Тугатганларга «Контролёр-кассир» ёки «сотувчи» ихтисоси берилади.

Озиқ-овқат (саноат) товарлари кичик сотувчиларини тайёрлайдиган группаларга ҳам тугалланмаган ўрта (8, 9 синф) маълумотли 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати—8 ой, уни тугатганларга «кичик сотувчи» ихтисоси берилади.

Қабул қилинган ўқувчиларга ҳар ойда 54 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

Республика ўқув-курс комбинати Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган қизларни шаҳар ва область савдо бошқармалари маҳаллий савдо идораларининг йўлланмаси билан қабул қилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Ҳужжатларни қабул қилиш, шунингдек, группаларда ўқиш бутун йил давомида узлуксиз олиб борилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.


Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, (086/У формадаги) медицина справкаси, 3x4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, характеристика, йўлланма.

Республика ўқув-курс комбинатининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (13 ва 70-автобусларнинг «Тез ёрдам касалхонаси», 4 ва 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекатлари). Телефонлар 75-35-86, 75-35-92.

«Сўзана» атири— хотин-қизларнинг орзуси

УНДА ШАРҚ МУШК-АНБАРЛАРИНИНГ ХУШБЎЙ ҲИДИ АТИР ГУЛЛАРНИНГ МУАТТАР ИСИ БИЛАН УЙҒУНЛАШИБ КЕТГАН.

ТОШКЕНТ УПА-ЭЛИК ФАБРИКАСИ.



ХИЗМАТНИНГ ЯНГИ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

Фотоаппарат учун «Дурбин»



ОБЪЕКТИВНИНГ ФОКУСЛИ МАСОФАСИНИ 2 МАРТА ОШИРУВЧИ КОНВЕРТЕРЛАРНИ ИБОРАЛИ ҚИЛИБ ШУНДАЙ АТАШ МУМКИН.

УЧ ХИЛ КОНВЕРТЕРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА:

МС КОНВЕРТЕР К-6 В —олти линзали оптик система бўлиб, ўрта форматли кўзгули Киев — 6С ТТЛ ва Киев 60 ТТЛ, Киев-88 ва Киев — 88 ТТЛ камераларига мўлжалланган. Узунлиги — 80 мм, диаметри — 78 мм, оғирлиги — 0,35 кг. Конвертер корпусидан узайтириш ҳалқаси сифатида фойдаланиш мумкин, чунки оптик блок алоҳида йиғилган ва осонгина чиқариб олинади.

МС КОНВЕРТЕР К-2Н — беш линзали оптик система, кичик форматли кўзгули Киев 27, Киев-19, Киев-20 ва НИКОН камераларига мўлжалланган. Узунлиги — 42 мм, диаметри — 64,5 мм, оғирлиги — 0,18 кг.

Унинг корпусидан ҳам узайтириш ҳалқаси сифатида фойдаланиш мумкин. Конструкцияси юқоридагига ўхшаш.

МС КОНВЕРТЕР К-1 — кичик форматли кўзгули «Зенит» типидаги камераларга мўлжалланган. Узунлиги — 39 мм, диаметри — 55 мм, оғирлиги — 0,12 кг. Камерага уланиши резьбали М 42x1.

Конвертерни ишлатилиши қулай ва фойдали: битта доимий ва битта алмашиладиган объективингиз бўлса, конвертер ёрдамида 4 объективга эга бўласиз.

КОНВЕРТЕРЛАР ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ВА МАДАНИЙ МОЛЛАР МАГАЗИНЛАРИДА СОТУВГА ЧИҚАРИЛГАН.

«АРСЕНАЛ» ЗАВОДИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

АБОНЕНТЛАРГА 15 НОЯБРГА ҚАДАР ЎЗ ВОДОПРОВОД-КАНАЛИЗАЦИЯ ҲЎЖАЛИКЛАРИНИ 1987—1988 йиллар қиш мавсумида фойдаланишга тайёрлаб қўйишни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

БУНИНГ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ЛОЗИМ:

— водопровод ва канализацияни профилактик ремонтдан чиқариш;

— вақтинча мавсумий сув тақсимлагичларни ёпиб қўйиш;


— очиқ сув қувурлари, сув сарфини ҳисобга олувчи узеллар ва сув тақсимлагичларни иситиб қўйиш.

ҚИШ ШАРОИТИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁРЛАНМАГАН ВОДОПРОВОД-КАНАЛИЗАЦИЯ ҲЎЖАЛИКЛАРИ ҚЎШИМЧА ОГОҲЛАНТИРИШСИЗ ШАҲАР СУВ ТАРМОҒИДАН УЗИБ ҚЎЙИЛАДИ.

Бирйўла сув ҳақини ўз вақтида тўлаш лозимлигини эслатамиз.

ҲОВЛИ ВОДОПРОВОДЛАРИНИ ҚИШГА ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁРЛАШ:

Ҳовли водопровод тик қувурларини қиш мавсумига иситаётганда қувурнинг ташқи сатҳи—тик қувур ва иситувчи материал оралиғида 40-60 миллиметр бўшлиқ қолиши лозим.



Майдаланган сомон, қуруқ қипиқ, қуриган ўт ва бошқа иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ўраш материали бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иситгич материалининг қалинлиги камида 30-35 сантиметр бўлиши керак.

Сув тик қувурини ўраш учун металл тўрлар, қоп, қалин қоғоз ва бошқалар қўлланилади.

Водопровод тик қувури ўралганидан сўнг у ёғоч билан ўраб чиқилади ва бўш қолган оралиққа қипиқ тўлдирилади.

Кўпинча вентилнинг сальники ишдан чиқиб сув иссиқликни сақловчи материалга оқиб кетади. Шунинг учун вентилнинг тагига тунука ёки шифер бўлагини ёғоч қопламадан ташқарига чиқариб, бир мунча нишаброқ ўрнатиш лозим. Гилофнинг усти очиб ёпиладиган қопқоқ билан ёпилиб, вентиль маховиги учун туйнук қолдирилади.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ БЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТА ТЕАТРИДА—13/X да ... ли фариштa, 14/X да ... тумори.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 13/X да ... қон, 14/X да Келинлар ...

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ БЕК ДАВЛАТ МУЗИКА... АТРИДА — 14/X да ... торлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ... ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ... 14/X да Чернобль ...

Кино

13 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи—«ГАНГ... ЛАРИНГ ЛОЙҚАЛАНДИ» 20.30), «САНГАМ» (18, ...

Қозоғистон — «ЧАЛА ҚИҚАТ» (17, 18, 20.00).

Чайка —«ҲАҚИҚАТ, ... БАТ ВА ГЎЗАЛЛИК» (16, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — ... ЛАНМА ЙЎЛ» (жуфт ... да).

Москва— «ШОҲОНА КОР» (16, 18.30, 21.00).

Ватан — «ПАРОМА» 21.00).

Дружба —«ЕМГИРЛАР СУМИ» (17, 18, 20, 21.00).

Лисунов номли — ... ТОШ» (тоқ соатларда).

Нукус—«БОББИ» (17, ...

Тошкент Советининг 9 йиллиги— «НАРИГИ ТОҲ... (16, 18.30, 21.00).

Восток — «НАВРАҲ», 18.30, 21.00).

Тинчлик —«ТЕГМАГАН САКИ» (15, 17, 21.00); «... ЛИЯЛИ ХОНИМ ... (19.00).

Искра — «ҚИЗ УЧУН ШОШИЛМОҚДА» (16, 18, ...

К. Ерматов номли — «ЕШЛАР ОРОЛИДАГИ КИШИ» (17, 19, 21.00).

14 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи — «... СУВЛАРИНГ ЛОЙҚАЛАНИ... (14, 17, 15, 20.30), «САН... (12, 15, 18, 21.00).

Қозоғистон — «ЧАЛА ҚИҚАТ» (11, 12, 14, 15, ... 20.00).

Чайка — «ҲАҚИҚАТ, ҲАББАТ ВА ГЎЗАЛЛИК» 13.20, 16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — ... ЕРДА, КЎЛДА» (жуфт ... ларда).

Москва — «МАЪСУМ... 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Ватан — «ПАРОМА» 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Дружба — «ЕМГИРЛАР СУМИ» (11, 12, 14, 16, ... 20, 21.00).

Лисунов номли — «... ДОШ» (тоқ соатларда).

Нукус—«БОББИ» (... 17, 20.00).

Тошкент Советининг 9 йиллиги — «НАВРАҲ» 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «ШОҲОНА КОР» (11, 13.30, 16, 21.00).

Тинчлик — «ТЕГМАГАН САКИ» (11, 13, 15, 17, ... «КАМЕЛИЯЛИ ХОНИМ ... ХИ» (19.00).

Искра — «РОБИН ГУД... УҚЛАРИ» (12, 14.00); ... УЧРАШУВГА ШОШИЛ... ДА» (16, 18, 20.00).

К. Ерматов номли — «... ЕР» (11, 13, 15, 17, 19, ...

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕР... ТЕЛЕФОНЛАР

Санъат саройи 44-21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-38.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 9 йиллиги — 77-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — ...
Искра — 39-14-59.
Нукус — 46-46-55.
Дружба — 67-96-87.
ВЛКСМ 30 йиллиги — 52.

Шаҳар кинотеатрида кўрсатиш маданиятини ... тириш юзасидан тақсимот истаклар билан Тошкент ... ҳар ижроия комитети ... лаштириш бошқармаси 37-11 телефон номери ... мурожаат қилинсин.

«Ташметрострой» қошидаги «Метрострой» стадионига берилган ... ган

ПЕЧАТЬ ВА БУРЧ ШТАМП

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ... ётининг коллектив ... ҳарф-териш цехининг ... са ишчиси Т. А. Абдумонованинг онаси

Ҳури СОДИҚОВАнинг

нафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмушн ва пропаганда — 32-54-19; совет ... лиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 33-... шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — ... фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик ... бияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва омманинг ... —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 33-... «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-51-42.

Р—13052

Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2485. Тираж— 75.131. Индекс 64690.